

Имомлари иттифоқ қилган ҳадислар / Олти саҳиҳ имомлари иттифоқ қилган ҳадислар / 242-ҳадис

242 - عَنْ سَهْلِ بْنِ سَعْدِ السَّاعِدِيِّ، قَالَ: جَاءَتِ امْرَأَةٌ إِلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، فَقَالَتْ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، جِئْتُ أَهَبُ لَكَ تَفْسِي، فَنَظَرَ إِلَيْهَا رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، فَصَعَدَ النَّظَرَ فِيهَا وَصَوَّبَهُ، ثُمَّ طَأَطَأَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ رَأْسَهُ، فَلَمَّا رَأَتِ الْمَرْأَةُ أَنَّهَا لَمْ يَقْضِ فِيهَا شَيْئًا، جَلَسَتْ، فَقَامَ رَجُلٌ مِنْ أَصْحَابِهِ، فَقَالَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، إِنْ لَمْ يَكُنْ لَكَ بِهَا حَاجَةٌ فَرَوِّجْنِيهَا، فَقَالَ: «فَهَلْ عِنْدَكَ مِنْ شَيْءٍ؟» فَقَالَ: لَا، وَاللَّهِ يَا رَسُولَ اللَّهِ، فَقَالَ: «أَذْهَبَ إِلَيَّ أَهْلِكَ، فَأَنْظُرُ هَلْ تَجِدُ شَيْئًا؟» فَذَهَبَ، ثُمَّ رَجَعَ، فَقَالَ: لَا، وَاللَّهِ، مَا وَجَدْتُ شَيْئًا، فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «أَنْظُرْ، وَلَوْ حَاتِمًا مِنْ حَدِيدٍ»، فَذَهَبَ، ثُمَّ رَجَعَ، فَقَالَ: لَا، وَاللَّهِ، يَا رَسُولَ اللَّهِ، وَلَا حَاتِمًا مِنْ حَدِيدٍ، وَلَكِنْ هَذَا إِزَارِي - قَالَ سَهْلٌ: مَا لَهُ رِذَاءٌ - فَلَهَا نِصْفُهُ، فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «مَا تَصْنَعُ بِإِزَارِكَ؟ إِنْ لَيْسَتْهُ لَمْ يَكُنْ عَلَيْهَا مِنْهُ شَيْءٌ، وَإِنْ لَيْسَتْهُ لَمْ يَكُنْ عَلَيْكَ مِنْهُ شَيْءٌ»، فَجَلَسَ الرَّجُلُ، حَتَّى إِذَا طَالَ مَجْلِسُهُ، قَامَ، فَرَأَهُ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مُوَلِّيًّا، فَأَمَرَ بِهِ فَدَعِيَ، فَلَمَّا جَاءَ قَالَ: «مَاذَا مَعَكَ مِنَ الْقُرْآنِ؟» قَالَ: مَعِيَ سُورَةٌ كَذَا وَسُورَةٌ كَذَا - عَدَدَهَا - فَقَالَ: «تَقْرَأُهَا عَنْ ظَهْرِ قَلْبِكَ؟» قَالَ: نَعَمْ، قَالَ: «أَذْهَبَ، فَقَدْ مَلَكَتُكَهَا بِمَا مَعَكَ مِنَ الْقُرْآنِ»، هَذَا حَدِيثُ ابْنِ أَبِي حَازِمٍ، وَحَدِيثُ يَعْقُوبَ يُقَارِبُهُ فِي اللَّفْظِ.

[خ 2311، م 1425، ت 1114، س 3280، د 2111، ج 1889].

Саҳл ибн Саъд Соъидий розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

«Бир аёл келиб, Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламга: «Эй Аллоҳнинг Расули, мен ўзимни сизга ҳиба қилгани келдим», деди. Расулulloҳ

соллаллоҳу алайҳи васаллам унга назар ташлаб, бошдан-оёқ разм солдилар. Кейин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бошларини қуйи солиб олдилар. Аёл ўзи ҳақида у зотнинг ҳеч қандай қарор қилмаганларини кўргач, ўша жойга ўтирди. Шу пайт у зотнинг саҳобаларидан бир киши ўрнидан туриб, «Эй Аллоҳнинг Расули, агар сизнинг эҳтиёжингиз бўлмаса, унга мени уйлантириб қўйинг», деди. У зот: **«Бирор ниманг борми?»** дедилар. У: «Аллоҳга қасамки, йўқ, эй Аллоҳнинг Расули!» деди. У зот: **«Уйингга бориб, қараб кўр, бирор нарса топармикансан»**, дедилар. У бориб, қайтиб келди-да: «Аллоҳга қасамки, йўқ, эй Аллоҳнинг Расули! Ҳеч нарса топа олмадим», деди. **«Бир темир узук бўлса ҳам қараб кўр»**, дедилар. У бориб, қайтиб келди-да: «Аллоҳга қасамки, йўқ. Темир узук ҳам йўқ, эй Аллоҳнинг Расули. Лекин мана бу изорим бор. – Саҳл айтади: «Унинг ридоси ҳам йўқ эди». – Ярми унга бўлақолсин», деди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«У изорингни нима қилади? Сен кийсанг, унга ҳеч нарса тегмайди, у кийса, сенга ҳеч нарса тегмайди»**, дедилар.

Ҳалиги киши жойига ўтирди. У анча ўтиргач, ўрнидан турган эди, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унинг қайтиб кетаётганини кўриб, амр қилдилар, уни чақириб келишди. У келгач: **«Сенда Қуръондан нима бор?»** дедилар. У: «Менда фалон сура, фалон сура, фалон сура», деб санади. У зот: **«Уларни ёддан ўқий оласанми?»** дедилар. «Ҳа», деди. **«Боравер, мен сендаги Қуръон эвазига сени унга (аёлга) эга қилдим»**, дедилар».

Имом Бухорий, Муслим, Термизий, Насай, Абу Довуд ва Ибн Можса ривоят қилишган.

Изоҳ: Бу ҳадисдаги Қуръонни маҳр қилиш ҳукми ўша ҳолатга хос бўлиб, жумҳур саҳобалар, тобеъинлар ва кейинги уламолар ҳам ояти карима ва бошқа ҳадислардан келиб чиқиб, маҳрнинг моддий қийматга эга мулк бўлиши шартлигини айтганлар. Бобнинг сарлавҳасида маҳрнинг ози ҳам, кўпи ҳам ўтаверишига ишора қилинган бўлсада, ҳанафий мазҳабига кўра, маҳр энг камида 10 дирҳам қилиб белгиланган бўлиб, кўпининг чегараси йўқдир.

Манба: hadis.islom.uz



